


ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИ- СИ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ



Тошкентда 11-12 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси бўлиб ўтди. Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Сессиянинг биринчи иш кунинда депутатлар Давлат бюджетининг 2000 йилдаги ва 2001 йилнинг биринчи чорағидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқладилар. Депутатлар эътиборига ҳавола этилган «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг янги тахрирдаги лойиҳаси иккинчи ўқиши маъқулланиб, бу борадаги ишни давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

«Мудофаа тўғрисида»ги, «Махсус юрлар ва ҳарбий таркибларнинг транзитлари тўғрисида»ги, «Аҳолини сил касалидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунлар эса иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Сессиянинг иккинчи иш кунинда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кун тартибига қўйилди ва депутатлар лойиҳани биринчи ўқишда маъқуллаб, уни оммавий ахборот воситалари орқали умумхалқ муҳокамасига қўйиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

«Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳам депутатлар муҳокамасидан сўнг қабул қилинди.


Парламент Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари, Олий Мажлис Кенгаши қарорлари, қатор давлатлараро ва халқаро ҳужжатларни тасдиқлади.

Н.Исмоилов Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Қонунчилик ва суд органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳининг раҳбари этиб тайинланиши муносабати билан парламент уни Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси лавозимидан озод этди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Олий суд раиси У.Мингбоевнинг ваколат муддати тугаганлиги туфайли Олий Мажлис уни бу лавозимга қайта сайлади. Депутатлар Олий суд таркибига айрим ўзгаришлар киритди. Олий хўжалик суди раиси М.Абдусаломов таклифига кўра, парламент Олий хўжалик суди судьясини сайлади. Шунингдек, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 2000 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлади.

Сессияда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова парламентга ўтган йилги фаолияти ҳақида ҳисобот берди.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси бешинчи сессияси яқунланди.



Ушбу сонда

ТАЙЁР ОШГА БАКОВУЛ

...кўзбўямачиликлар аслида банкдан кредит олиш учун ўйлаб топилган ҳийланайрандан ўзга нарса эмас эди.

3 - 6.



Айтишлари-ча, одамзот жон таслим қилган онда кўкдаги юлдузи ҳам сўнар эмиш. Демак, сизнинг ҳам юлдузингиз...

ЮЛУЗИНИ
ЙЎҚОТГАН ОСМОН 6 - 6.

Моҳият

Ҳар қандай қонунга ҳам чап бериш мумкин, лекин уятга чап бериб бўлмайди, чунки қонун одамдан ташқарида, уят эса одамнинг кўксига бўлади.

Абдулла ҚАХҲОП

Ту-144 илк бор ҳавога кўтарилганда ўзининг инглиз-француз рақобатчиси бўлган Concordeдан ўзиб кетганди.



7 - 6.

«ХУҚУҚ»дан сабоқлар

Газетамизда яқиндан бошлаб берилётган «Хуқуқдан сабоқлар» рўқнини ушбу сонда Сирғали туман прокурорининг ўринбосари, адлия кичик маслаҳатчиси **М. ЭГАМБЕРДИЕВ** давом эттиради.



ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилашга мажбурдир.

Аёлларга уларнинг хоҳишига кўра, йиллик таътиллار ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки ундан кейин ёхуд болани парвартириш таътилидан кейин бериллади. (231-модда)

12 ёшга тўлмаган 2 ёки ундан ортиқ боласи ёки 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили уч иш кунидан кам бўлмаган муддат билан ҳақ тўланадиган кўшимча таътил бериллади. Ун икки ёшга тўлмаган икки ёки ундан ортиқ боласи ёхуд ун олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга уларнинг хоҳишига кўра, ҳар йили 14 календар кунидан кам бўлмаган муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилди. Бундай таътил йиллик таътилга қўшиб берилди ёки иш берувчи билан келишиб белгиланадиган даврда ундан алоҳида фойдаланиш мумкин. (232-модда)

Аёлларга туққунга қадар 70 календар кун ва ўртақдан кейин 50

ҳақи ҳисоби бўйича ҳақ тўланади (236-модда.)

Ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бўлган аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхона бутунлай тугатилган ҳоллар бундан мустасно.

Меҳнат қонунчилигига кўра, аёллар 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади. Умумий касаллик оқибатидаги биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари тўлиқ пенсия тайинлаш учун етарли иш стажига эга бўлмаган тақдирда уларнинг стажига мутаносиб равишда пенсия тайинланади.

Умумий иш стажига камида 20 йил бўлиб, шундан 15 йили кишлоқ хўжалигида тракторчи-машинист, юк ортши, тушириш машиналари машинисти бўлиб ишлаган аёллар, авиация муҳандис-техниклари таркибининг аёл ходимлари, тўқимачилик ишлаб чиқариш дастгоҳлари

БОР БЎЛСИН ЯХШИЛИК

Тахририятга Андижон вилояти, Марҳамат туманидаги М.Тожибоев номи жамоа хўжалигида яшовчи Мухаррам Мирзасева мактуб йўллаб, турмуш ўртоғи Хусанбой Мирзасев 1998 йили иш пайтида вафот этганлиги, у ишлаган ташкилот ходимлари марҳумнинг оила аъзолари ҳолидан хабар олмаётгани, ҳозирги вақтда моддий жиҳатдан қийналиб қолганлиги тўғрисида шикоят қилган эди.

Тахририят топшириғига биноат муҳбиримиз А.Мада-тов ушбу ҳолатни ўрганиб чиқди. Гарчи шикоятдаги айрим важлар тасдиқланмаган бўлса-да, текшириш якуни бўйича Ҳ.Мирзасев ишлаган Андижон вилояти «Жамферлоийҳақурилиш» ширкатлар бирлашмаси марҳумнинг оиласига моддий ёрдам кўрсатишга қарор қилди. Бу ҳақда М.Мирзасева тахририятга йўллаган миннатдорчилик мактубида шундай дейилади:

«...турмуш ўртоғим ишлаган ташкилот раҳбарлари келишиб, яшаш шароитимизни ўрганишди. Орадан бир ҳафта ўтмай ташкилот томонидан бизга бир қоп ун, бир қоп гуруч берилди. «Жамферлоийҳақурилиш» ширкатлар бирлашмасига қарашли 113-қурилиш ташкилати уйимизни таъмирлаб беришни ўз зиммасига олди.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу сабов ишинг бошидан турган кишиларга, уни амалга оширган яхши инсонларга миннатдорчилик билдираман!»

Ушбу сатрларни ўқир эканмиз бир шёър кўнгилдан кечди:

«Кимки бир кўнгли бузунинг хотирин шод айлағай,
Онча борким, Катба вайрон бўлса, обод айлағай»
Сабов ҳақида ҳазрат Навоийдан ўтказиб бир нима дейиш мушкул. Бор бўлсин яхшилик.

Хатлар ва шикоятлар бўлими

«Аёлларнинг нафақат оилада тутган ўрни, балки инсоният тарихидаги маъқеи шундан далолат берадики, — деган эди Президентимиз Ислам Каримов, — минг йиллар давомида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Айниқса аёлларга шарқона эҳтиром ва эъзоз биз учун ибратли меросдир. Оилани ҳам, жамиятни ҳам бирлаштириб, унга файзу-баракат киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида муътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир».

Республикамизда аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуққа эга эканлиги Конституциямизнинг 46-моддасида белгилаб қўйилган ва уларнинг эркаклар каби шахсий ҳуқуқ ва эркинликларда, сиёсий ҳуқуқларда тенглиги Асосий қонунимизда ўз аксини топган.

Конституциянинг 65-моддасида оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофаза қилиниши алоҳида таъкидланган. Мустақил республикамизда аёлларни, оналарни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилляпти. Юртимизда 1999 йилнинг «Аёллар йили», 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили», 2001 йилнинг «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилиниши ва Давлат дастурларининг ишлаб чиқилганлиги ҳам бунинг аққол исботидир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига аёлларга ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга алоҳида кўшимча қафолатлар берилган. Қонунга биноан ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга олишни рад этиш қатъиян тақиқланади. Бундай шахсларни ишга олишдан ғайриқонуний равишда бош тортиш ёки ишдан бўшатилш ЖКнинг 148-моддасига кўра жиноят, деб баҳоланади.

Меҳнат қонунчилигига асосан, аёлларни меҳнат шароити нокулай, шунингдек, ер ости ишларига жалб этиш тақиқланади. Улар мумкин бўлган нормадан ортиқ юк кўтаришлари ва ташишлари ман этилади. Қонуннинг 226-моддасига асосан, тиббий хулосага мувофиқ

ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш нормалари камайитрилади ёки улар аввалги иш жойларидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда энгилроқ ишларга ўтказилади. Шундай иш берилгунга қадар ана шу сабабдан ишга чиқмаган кунлари учун уларнинг ўртача ойлик иш ҳақлари сақлаб турилади.

Худди шундай имтиёз 2 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга ҳам татбиқ этилади. Ҳомиладор аёл-

ҚОНУНЛАРИМИЗДА ҲАМ АЁЛЛАР ЭЪТИБОРДА

ларни ва 14 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди.

Шу билан бирга, ҳомиладор аёлларни ва 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни тунги ишларга жалб қилишда бундай иш она ва боланинг соғлиғига хавф тугдирмаслигини тасдиқловчи тиббий хулоса асосидагина йўл қўйилади. Қонунда (228-1-модда) 3 ёшга тўлмаган болалари бўлган, бюджет ҳисобидидаги муассасаларда ишлаётган аёлларга иш вақтининг ҳафтасига 35 соатдан ошмаган қисқартирилган муддат белгиланади ва меҳнатга ҳақ тўлиқ иш муддати миқдоридан тўланади.

Қонуннинг 229-моддасига биноан ҳомиладор аёлнинг, 14 ёшга тўлмаган (16 ёшга тўлмаган ногирон) боласи бор аёлнинг, шу жумладан ҳомилийгида шундай боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзоси парвартиши билан банд бўлган шахсининг илтимосига биноан, иш берувчи тиббий хулосага мувофиқ уларга тўлиқсиз иш кун-

календар кун муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий сўғуртаси бўйича нафақа тўланади. (233-модда.) Ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугагандан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парвартириш учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади. Болани парвартириш таътили давомида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътиллار меҳнат стажига ва шу жумладан мутահассислиги бўйича иш стажига ҳам қўйилади (234-модда.)

Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган танаффусдан ташқари, болани овқатлантириш учун кўшимча танаффуслар ҳам берилди. Бу танаффуслар камида ҳар уч соатда бир марта, ҳар бири 30 дақиқадан кам бўлмаган ҳолда берилди, икки ва ундан ортиқ боласи бўлган тақдирда, танаффуснинг муддати камида бир соат қилиб белгиланади.

Болани овқатлантириш учун берилган танаффуслар иш вақтига киритилди ва ўртача ойлик иш

ва машиналарида ишлаган аёллар, шаҳар йўловчи ташиш транспорти ҳайдовчилари, беш ва ундан ортиқ фарзанд туққан ва уларни саккиз ёшгача тарбиялаган аёллар ҳамда болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари, уларни шу ёшгача тарбиялаган, ўғай ўғил ёки ўғай қизни саккиз ёшга тўлгунча камида беш йил тарбиялаган аёллар, экология фалокати минтақасида ишлаган аёллар, ижтимоий таъминот тизимида қариялар, ногиронлар ва ёлғиз фуқароларга хизмат кўрсатишда бевосита ага бўлган аёллар — охириги иш жойидан қатъий назар, қонунда умумий белгиланган ёшни беш йилга қисқартирилган ҳолда яъни 50 ёшдан пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Бундан ташқари, ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимлари — махсус иш стажига камида 25 йил бўлган тақдирда, шифокорлар ва бошқа тиббий ходимлар — махсус иш стажига қишлоқ жойларда камида 25 йил ва шаҳарларда камида 30 йил бўлган тақдирда қонунда умумий белгиланган ёшни беш йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

«НАМУНА СЕРВИС» илмий ишлаб чиқариш корхонаси



Ҳашоратларга, кемирувчиларга ва патоген микробларга қарши курашишда ўз хизматини таклиф этади.



Манзил:
Тошкент ш., Мавлонов кўчаси, 37.
Тел.: 54-90-51, 180-65-15.

